

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ
АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ РАЁСАТИНИНГ
ҚАРОРИ

**ИЛМИЙ УНВОНЛАР БЕРИШ ТАРТИБИ ТҮҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ
ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 13-сон, 170-модда)

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 25 марта
рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2444]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги ПФ–4456-сон «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги **Фармонига** (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 30-сон, 346-модда) ва 2011 йил 20 майдаги ПҚ–1533-сон «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги **қарорига** (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 1-сон, 5-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсати қарор қиласди:

1. Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом **иловага** мувофиқ тасдиқлансан.

2. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 1996 йил 25 январдаги 34/2-сон қарори билан тасдиқланган Илмий унвонлар бериш тўғрисида **низом** (рўйхат рақами 262, 1996 йил 10 июль);

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2003 йил 17 июлдаги 96/5-сон «Илмий унвонлар бериш тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги **қарори** (рўйхат рақами 262-1, 2003 йил 12 август) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 15-сон);

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2009 йил 24 декабрдаги 160/13-сон «Илмий унвонлар бериш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги **қарори** (рўйхат рақами 262-2, 2010 йил 23 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 3-4-сон, 28-модда).

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис Г. БАХАДИРОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 31 январь,
195/4-сон

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси
Раёсатининг 2013 йил 31 январдаги 195/4-сон қарорига
ИЛОВА

**Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда), «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 11-12-сон, 295-модда) қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги ПҚ-1533-сон «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига, 2012 йил 24 июндаги ПФ-4456-сон «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги **Фармонига** (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 30-сон, 346-модда) ва Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сон «Олий ўкув юритидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги **карорига** (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 1-сон, 5-модда) мувофиқ илмий унвонлар бериш тартибини белгилайди.

I боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
илмий унвон — профессор, доцент ва катта илмий ходим илмий мақоми;
талабгор — илмий ва педагогик фаолият олиб бораётган ҳамда илмий унвон олишга даъвогар шахс;
аттестация — талабгорларнинг малакасини тизимли равища аниқлаш жараёни;
аттестация иши — талабгорнинг аттестацияга оид ҳужжатлари тўплами;
илмий иш стажи — шахснинг меҳнат шартномаси (контракт) асосида илмий ходим лавозимида ишлаган ҳамда катта илмий ходим-изланувчилар институтида ўқиган муддати;
педагогик иш стажи — шахснинг меҳнат шартномаси (контракт) асосида олий таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларида педагог лавозимида ишлаган муддати;
ўкув адабиёти — муайян таълим тури, йўналиши ёки мутахассислигининг ўкув режасида белгиланган фанлар бўйича тегишли ўкув дастурлари асосида зарур билимлар мажмуаси келтирилган, ўзлаштириш услублари ёритилган (жумладан, хорижий таржималари) манба;
2. **профессор** — тегишли малакавий ва аттестация талабларини бажарган ҳамда профессор илмий унвонига эга бўлган шахс;
3. **доцент** — тегишли малакавий ва аттестация талабларини бажарган ҳамда доцент илмий унвонига эга бўлган шахс;
4. **катта илмий ходим** — тегишли малакавий ва аттестация талабларини бажарган ҳамда катта илмий ходим илмий унвонига эга бўлган шахс;
5. **профессор, доцент ёки катта илмий ходим аттестати** (кейинги ўринларда Аттестат деб юритилади) — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги

Олий аттестация комиссияси (кейинги ўринларда ОАК деб юритилади) Раёсати қарори билан профессор, доцент ёки катта илмий ходим илмий унвонига эга бўлган шахсларга бериладиган давлат намунасидаги ҳужжат;

апелляция — илмий унвон бериш ёки илмий унвон беришни рад қилиш ёхуд ундан маҳрум этиш ёки уни тиклаш тўғрисидаги қарорлар юзасидан берилган шикоят аризаси.

2. Профессор ва доцент илмий унвонлари кафедра ёки ихтисослик бўйича, катта илмий ходим илмий унвони фақат ихтисослик бўйича берилади.

3. Кафедра бўйича профессор ва доцент илмий унвонлари олий таълим ёки кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларида (кейинги ўринларда ОТМ деб юритилади) педагогик фаолият олиб бораётган, чуқур касбий билим ҳамда илмий ва педагогик соҳада ютуқларга эришган юксак маънавиятли шахсларга берилади.

4. Ихтисослик бўйича илмий унвонлар ОТМ ёки илмий-тадқиқот муассасаси ёки унга тенглаштирилган муассаса ёхуд ОТМнинг илмий-тадқиқот тузилмасида (кейинги ўринларда ИТМ деб юритилади) илмий фаолият олиб бораётган, фаннинг муайян соҳасида чуқур касбий билим ҳамда илмий ва педагогик соҳада ютуқларга эришган юксак маънавиятли шахсларга берилади.

5. Катта илмий ходим илмий унвони ўз мақомига кўра ихтисослик бўйича доцент илмий унвонига тенглаштирилади.

6. Илмий унвон тегишли илмий даражага, магистр даражаси, магистр даражаси жорий этилгунга қадар олинган олий маълумот ёки олий ҳарбий таълим дипломига ёки олий маълумотли мутахассис дипломига эга бўлган шахсларга мазкур Низомга мувофиқ илмий унвон берувчи ОТМ кенгашлари ёки ИТМ илмий (илмий-техникавий) кенгашлари (кейинги ўринларда Кенгаш деб юритилади) тақдимномасига асосан, ОАК Раёсати қарори билан ОАК томонидан берилади. Тақдимнома талабгорнинг асосий иш жойидан берилади.

7. Илмий унвон берилган шахсларга Аттестат берилади.

II боб. Илмий унвон олиш учун қўйиладиган талаблар

1-§. Умумий талаблар

8. Ижтимоий-гуманитар, иқтисодиёт фанлари соҳалари бўйича илмий унвонларга талабгорлар томонидан мустақиллик мағкураси ҳамда демократик жамият қуришнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий негизлари ва илмий асослари бўйича маҳсус имтиҳон топширилади.

9. Талабгор томонидан олиб борилаётган маъруза курслари, илмий ва ўқув-услубий ишлар унвон бериш сўралаётган кафедра ёки ихтисослик йўналишига мос бўлиши лозим.

10. Талабгор нашр эттирган дарсликлар, ўқув қўлланмалар ОТМнинг илмий-услубий кенгаши ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар томонидан, бошқа ўқув адабиётлари эса, ОТМнинг илмий-услубий кенгаши томонидан педагогик амалиётда фойдаланишга тавсия этилган бўлиши керак.

Профессор илмий унвонига талабгорнинг доцент ёки катта илмий ходим илмий унвонини олгандан кейин нашр эттирган илмий ва ўқув-услубий ишлари бўлиши шарт.

11. Хорижий давлатларнинг олий аттестация органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва Ўзбекистон Республикасида

доимий яшаб ва ишлаб турган чет эл фукароларига берилган илмий унвонлар ҳақидаги ҳужжатлар нострификация қилинмайди. Хорижий давлатларда илмий унвон олган шахслар Ўзбекистон Республикасида мазкур Низом талаблари асосида илмий унвон олишлари мумкин.

2-§. ОТМ мутахассисларига профессор илмий унвонини бериш

12. Профессор илмий унвони қўйидаги талабларни бажарган шахсларга берилади:

- а) фан доктори илмий даражасига эга бўлган;
- б) илмий унвонга эга бўлган;

в) камидаги ўн йиллик илмий ва педагогик, жумладан ОТМда беш йиллик педагогик иш стажига эга бўлган;

г) камидаги бир ўкув йили давомида ОТМнинг асосий штатида кафедра мудири, профессор, олий ҳарбий таълим муассасаларида кафедра бошлиғи ўринбосари ёки кафедра бошлиғи лавозимларида ишлаб келаётган ёки бир ўкув йили давомида камидаги 0,25 ставка ўкув юкламасини бажарган ҳолда педагогик фаолият олиб бораётган муассаса ректори (директори, бошлиғи), проректори (директор ўринбосари, бошлиқ ўринбосари), илмий котиби ёки ОТМнинг ўкув-ташкилий тузилмаси (факультет, бўлим) раҳбари лавозимларида муваффақиятли ишлаб келаётган;

д) илмий даражада олган олий малакали мутахассисни тайёрлаган;

е) педагогик амалиётда фойдаланилаётган, жумладан диссертация ҳимоясидан кейин ОТМ ўкув дастурларига мос келадиган дарслик ёки ўкув қўлланмалар ва бошқа ўкув адабиётлар нашр эттирган;

ж) диссертация ҳимоясидан кейин илмий ишлар, жумладан илмий журналларда камидаги бешта илмий мақола, шундан нуфузли хорижий ёки халқаро илмий журналларда иккита илмий мақола чоп эттирган;

з) замонавий ўқитиши усусларини эгаллаган, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан ҳамда мультимедия таълим ресурсларидан фойдаланган ҳолда юқори илмий ва ўкув-услубий савиядага маъруза курсларини ўқиётган;

и) давлат грантлари ёки бошқа илмий лойиҳалар ёхуд хўжалик шартномалари асосидаги илмий-тадқиқот лойиҳалари доирасида илмий изланишлар олиб бораётган;

к) маънавий-маърифий тадбирларда ва ўкув-тарбиявий ишларда иштирок этаётган;

л) аттестация жараёнларида иштирок этаётган (тақризчи, илмий семинар ёки фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш аъзоси, расмий оппонент ва бошқалар).

13. Профессор илмий унвони мазкур Низомнинг 12-банди «б», «г», «ж-л» **кичик бандлари** талабларини бажарган ва фан номзоди, хорижий давлатларда берилган фалсафа доктори (Ph.D) ёки унга тенгглаштирилган бошқа илмий даражаларга эга бўлган шахсларга, истисно тариқасида, қўйидагилардан бирини ҳисобга олган ҳолда берилиши мумкин:

ОТМда ўн беш йиллик педагогик иш стажига эга, педагогик амалиётда фойдаланилаётган якка муаллифликда чоп этилган дарслик ва камидаги иккита ўкув қўлланма муаллифи бўлган, касбий ва педагогик фаолиятида салмоқли ютуқларга эришган, шунингдек ихтисослик кафедраларида ишлаётган талабгорлар бир нафар илмий даражада олган олий малакали мутахассис ва камидаги иккита нафар магистр ёки тўрт нафар бакалаврга илмий раҳбарлик қилган ёки давлат (номдор) стипендиати ёхуд халқаро, республика олимпиадалари ёки танловлари ғолибини тайёрлаган ёхуд таълим-тарбия жараёнига салмоқли ҳисса қўшган юқори малакали мутахассисларга;

маданият, санъат, архитектура йўналишлари бўйича ихтисослашган (ижодий, ижрочилик) кафедраларда муваффакиятли ишлаб келаётган, тегишли олий маълумотга, кафедра соҳаси бўйича фан номзоди, хорижий давлатларда берилган фалсафа доктори (Ph.D) ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларга, камидা ўн беш йил илмий ва педагогик, жумладан ОТМда ўн йиллик педагогик иш стажига эга, диссертация ҳимоясидан кейин олий таълим, олий ўқув юритидан кейинги таълим педагогик амалиётида фойдаланилаётган ўқув адабиётлари, жумладан ОТМ ўқув дастурларига мос келадиган якка муаллифликда чоп этилган дарслик ёки ўқув қўлланмалари ҳамда илмий-тадқиқот ва ижодий ишларига эга бўлган, касбий ва педагогик фаолиятида салмоқли ютукларга эришган ва халқаро ёки республика танловлари галибларини тайёрлаган, кафедра соҳаси мутахассисларни бўйича ижодий ходимларни, ижрочилик мутахассисларни бевосита ўз раҳбарлигида тайёрлаган юқори малакали мутахассисларга;

жисмоний тарбия, спорт ва муҳандислик графикаси (чизма геометрия) йўналишлари бўйича ихтисослашган кафедраларда муваффакиятли ишлаб келаётган, тегишли олий маълумотга, кафедра соҳаси бўйича фан номзоди, хорижий давлатларда берилган фалсафа доктори (Ph.D) ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларга, камидা ўн беш йил илмий ва педагогик, жумладан ОТМда ўн йиллик педагогик иш стажига эга, диссертация ҳимоясидан кейин педагогик амалиётда фойдаланилаётган ўқув адабиётларига, шундан якка муаллифликда чоп этилган дарслик ёки ўқув қўлланмалари ҳамда илмий-тадқиқот ишлари бўлган, касбий ва педагогик фаолиятида салмоқли ютукларга эришган ва халқаро ёки республика мусобақаларининг ғалибларини ёки жамоа (жамоалари)ни тайёрлаган юқори малакали мутахассисларга.

14. Профессор илмий унвони мазкур Низомнинг 12-банди «б», «г», «з-к» **кичик бандлари** талабларини бажарган ва илмий даражага эга бўлмаган шахсларга, истисно тариқасида, қуидагилардан бирини ҳисобга олган ҳолда берилиши мумкин:

тегишли олий маълумотга, камидা ўн йил илмий ва педагогик, жумладан ОТМда беш йиллик педагогик иш стажига эга, икки ўқув йили давомида муваффакиятли ишлаб келаётган, олий таълим, олий ўқув юритидан кейинги таълим педагогик амалиётида фойдаланилаётган ўқув адабиётлари, жумладан ОТМ ўқув дастурларига мос келадиган якка муаллифликда чоп этилган дарслик ва камидা иккита ўқув қўлланмаси ҳамда илмий-тадқиқот ва ижодий ишлари бўлган ва халқаро ёки республика танловлари ёки мусобақаларининг ғалиблари ёки жамоа (жамоалари)ни тайёрлаган Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси халқ артистлари, ҳофизлари, рассомлари, меъморлари, ўқитувчилари, ёзувчилари ёки шоирлари, Ўзбекистон Республикасининг фан ва санъат арбоблари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, рассом, меъмор, тренер, ёшлар мураббийи ёки маданият ходимларига;

маданият, санъат, архитектура йўналишлари бўйича ихтисослашган (ижодий, ижрочилик) кафедраларида камидা икки йил давомида муваффакиятли ишлаб келаётган, тегишли олий маълумотга, камидা ўн беш йиллик илмий ва педагогик, жумладан ОТМда ўн йиллик педагогик иш стажига эга, педагогик амалиётда фойдаланилаётган ўқув адабиётлари, шундан ОТМ ўқув дастурларига мос келадиган якка муаллифликда чоп этилган дарслиги ва камидা иккита ўқув қўлланмаси, илмий-тадқиқот ва ижодий ишлари бўлган, кафедра соҳаси мутахассисларни бўйича амалий машғулотларни юқори касбий даражада олиб бораётган, шунингдек халқаро ёки республика танловлари галибларини тайёрлаган юқори малакали мутахассисларга.

Маданият ва санъат назарияси ҳамда тарихи бўйича мутахассислар профессор илмий унвонини олиш учун фан доктори илмий даражасига эга бўлишлари шарт.

3-§. ИТМ мутахассисларига профессор илмий унвонини бериш

15. Ихтисослик бўйича профессор илмий унвони қўйидаги талабларни бажарган шахсларга берилади:

- а) фан доктори илмий даражасига эга бўлган;
- б) илмий унвонга эга бўлган;
- в) камида ўн йиллик илмий ва педагогик, жумладан ИТМда беш йиллик илмий иш стажига эга бўлган;
- г) камида бир йил давомида давлат гранти раҳбари ёки илмий-ташкилий тузилма раҳбари ёхуд бош илмий ходим, етакчи илмий ходим ёхуд камида бир йил давомида ИТМ раҳбари, раҳбар ўринbosари ёки илмий котиби лавозимларида муваффақиятли ишлаб келаётган ва илмий фаолият олиб бораётган;
- д) камида икки нафар илмий даража олган мутахассисни тайёрлаган ёки бир нафар илмий даража олган мутахассис ва камида беш нафар магистрга илмий раҳбарлик қилган ёки давлат (номдор) стипендиати ёхуд халқаро ёки республика олимпиадалари ёки танловлари ғолибларини тайёрлаган;
- е) салмоқли илмий ва илмий-техник натижаларга эришган (монография ёки рисолалар нашр эттирган ёхуд ихтиrolарга эга бўлган) ҳамда диссертация ҳимоясидан кейин илмий ишлар, жумладан илмий журналларда камида ўнта илмий мақола, шундан нуфузли хорижий ёки халқаро илмий журналларда иккита илмий мақола чоп эттирган;
- ж) таълим жараённида иштирок этаётган;
- з) давлат грантлари ёки бошқа илмий лойиҳалар ёхуд хўжалик шартномалари асосидаги илмий-тадқиқот лойиҳалари доирасида илмий изланишлар олиб бораётган;
- и) маънавий-маърифий тадбирларда иштирок этаётган;
- к) аттестация жараёнларида иштирок этаётган (такризчи, илмий семинар ёки фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш аъзоси, расмий оппонент ва бошқалар).

16. Ихтисослик бўйича профессор илмий унвони, истисно тарикасида, мазкур Низомнинг 15-банди «б–г» ва «е–к» **кичик бандлари** талабларини бажарган ва фан номзоди, хорижий давлатларда берилган фалсафа доктори (Ph.D) ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларга эга бўлган, педагогик амалиётда фойдаланилаётган ўқув адабиётларига, шундан якка муаллифликда чоп этилган дарслик ва камида иккита ўқув қўлланмалари бўлган, касбий ва илмий-педагогик фаолиятида салмоқли ютуқларга эришган, илмий даража олган мутахассис тайёрлаган ИТМ мутахассисларига берилиши мумкин.

4-§. ОТМ мутахассисларига доцент илмий унвонини бериш

17. Доцент илмий унвони қўйидаги талабларни бажарган шахсларга берилади:

- а) фан доктори (фан номзоди, хорижий давлатларда берилган фалсафа доктори (Ph.D) ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражалар) илмий даражасига эга бўлган;
- б) камида беш йиллик илмий ва педагогик, жумладан ОТМда уч йиллик педагогик иш стажига эга бўлган;
- в) камида бир ўқув йили давомида ОТМнинг асосий штатида кафедра мудири, профессор, доцент ёки олий ҳарбий таълим муассасаларида катта ўқитувчи, кафедра бошлиғи ўринbosари ёки кафедра бошлиғи лавозимларида ишлаб келаётган ёки бир ўқув йили давомида камида 0,25 ставка ўқув юкламасини бажарган ҳолда педагогик фаолият

олиб бораётган муассаса ректори (директори, бошлиғи), проректори (директор ўринбосари, бошлиқ ўринбосари), илмий котиби ёки ОТМнинг ўқув-ташкилий тузилмаси (факультет, бўлим) раҳбари лавозимларида мувафақиятли ишлаб келаётган;

г) педагогик амалиётда фойдаланилаётган, жумладан диссертация ҳимоясидан кейин ОТМ ўқув дастурларига мос келадиган ўқув-услубий қўлланма ва бошқа ўқув адабиётлар нашр эттирган;

д) диссертация ҳимоясидан кейин илмий ишлар, жумладан илмий нашрларда камидга учта илмий мақола чоп эттирган;

е) замонавий ўқитиш усувларини эгаллаган, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан ҳамда мультимедия таълим ресурсларидан фойдаланган ҳолда юқори илмий ва ўқув-услубий савияда маъруза курсларини ўқиётган, семинар машғулотларини олиб бораётган;

ж) ихтисослик кафедраларида ишлаётган талабгор камидаги икки нафар магистр ёки тўрт нафар бакалаврга илмий раҳбарлик қилган ёки давлат (номдор) стипендиати ёхуд халқаро, республика олимпиадалари ёки танловлари ғолибини тайёрлаган ёхуд таълимтарбия жараёнига салмоқли ҳисса кўшган;

з) давлат грантлари ёки бошқа илмий лойиҳалар ёхуд хўжалик шартномалари асосидаги илмий-тадқиқот лойиҳалари доирасида илмий изланишлар олиб бораётган;

и) маънавий-маърифий тадбирларда ва ўқув-тарбиявий ишларда иштирок этаётган;

к) аттестация жараёнларида иштирок этаётган (тақризчи, илмий семинар ёки фандоктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш аъзоси, расмий оппонент ва бошқалар).

18. Доцент илмий унвони мазкур Низомнинг 17-банди **«в», «е–и» кичик бандлари** талабларини бажарган ва илмий даражага эга бўлмаган шахсларга, истисно тариқасида, қуидагилардан бирини ҳисобга олган ҳолда берилиши мумкин:

тегишли олий маълумотга, камидаги ўн йиллик илмий ва педагогик, жумладан ОТМда беш йиллик педагогик иш стажига, илмий-тадқиқот ишларига, педагогик амалиётда фойдаланилаётган ўқув адабиётларига эга бўлган, жумладан дарслик ёки камидаги иккита ўқув қўлланманинг якка муаллифи бўлган юқори малакали мутахassisларга;

тегишли олий маълумотга, камидаги беш йиллик илмий ва педагогик, жумладан ОТМда уч йиллик педагогик иш стажига, педагогик ёки ижодий амалиётда фойдаланилаётган илмий-тадқиқот, ижодий ишлари ва ўқув адабиётлари, жумладан ўқув қўлланманинг якка муаллифи бўлган ҳамда халқаро ёки республика танловлари ёки мусобақаларининг ғолиблари ёки жамоа (жамоалари)ни тайёрлаган Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси халқ артистлари, ҳофизлари, рассомлари, меъморлари, ўқитувчилари, ёзувчилари ёки шоирлари, Ўзбекистон Республикасининг фан ва санъат арбоблари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, рассом, меъмор, тренер, ёшлар мураббийи ёки маданият ходимларига;

маданият, санъат, архитектура ўйналишлари бўйича ихтисослашган (ижодий, ижрочилик) кафедраларида камидаги икки йил давомида муваффақиятли ишлаб келаётган, тегишли олий маълумотга, камидаги ўн йиллик илмий ва педагогик, жумладан ОТМда беш йиллик педагогик иш стажига эга, илмий-тадқиқот, ижодий ишлари ва ўқув адабиётлари, жумладан ўқув қўлланманинг якка муаллифи бўлган, шунингдек халқаро ёки республика танловлари ғолибларини тайёрлаган юқори малакали мутахassisларга, маданият ва санъат назарияси ҳамда тарихи бўйича мутахassisлар бундан мустасно;

жисмоний тарбия ва спорт йўналиши бўйича ОТМнинг ихтисослашган кафедраларида камида икки йил давомида муваффақиятли ишлаб келаётган, тегишли олий маълумотга, камида ўн йил илмий ва педагогик, жумладан ОТМда беш йиллик педагогик иш стажига эга, илмий-тадқиқот ишлари ва ўқув адабиётлари, жумладан ўқув қўлланманинг якка муаллифи бўлган, шунингдек халқаро ёки республика мусобақаларининг ғолибларини ёки жамоа (жамоалари)ни тайёрлаган юқори малакали мутахассисларга.

5-§. ИТМ мутахассисларига катта илмий ходим илмий унвонини бериш

19. Катта илмий ходим илмий унвони қуидаги талабларни бажарган шахсларга берилади:

- а) илмий даражага эга бўлган;
 - б) камида беш йиллик илмий ва педагогик, жумладан ИТМда уч йиллик илмий иш стажига эга бўлган;
 - в) камида бир йил давомида грант раҳбари ёки илмий-ташкилий тузилма бошлиғи ёхуд бош (етакчи, катта) илмий ходим ёки камида бир йил давомида ИТМ раҳбари, унинг ўринбосари ёки илмий котиби лавозимларида муваффақиятли ишлаб келаётган ва илмий фаолият олиб бораётган;
 - г) диссертация ҳимоясидан кейин илмий ишлар, жумладан илмий журналларда камида учта илмий мақола, шундан нуфузли хорижий ёки халқаро илмий журналда илмий мақола чоп эттирган;
 - д) давлат грантлари ёки бошқа илмий лойиҳалар ёхуд хўжалик шартномалари асосидаги илмий-тадқиқот лойиҳалари доирасида илмий изланишлар олиб бораётган;
 - е) маънавий-маърифий тадбирларда иштирок этаётган;
 - ж) аттестация жараёнларида иштирок этаётган (такризчи, илмий семинар ёки фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш аъзоси, расмий оппонент ва бошқалар).
20. Илмий даражасиз шахсларга катта илмий ходим илмий унвони берилмайди.

6-§. Ўриндошлиқ асосида ишлаётган мутахассисларга илмий унвонлар бериш

21. Илмий унвонлар мазкур бобнинг **2—5-параграфларида** назарда тутилган тегишли лавозимларда камида 0,25 ставка ўриндошлиқ ёки 240 соатдан кам бўлмаган меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш асосида ишлаётган иқтисодиёт тармоқларининг юқори малакали мутахассисларига мазкур бобнинг **1—5-параграфларида** белгиланган талабларга риоя қилинган ҳолда берилади. Мазкур қоида асосий иш жойи ОТМ ва ИТМ бўлган мутахассисларга нисбатан татбиқ этилмайди.

22. Тақдимнома талабгорнинг ўриндошлиқ асосида ишлаётган иш жойидан берилади.

III боб. Илмий унвонга тақдим этиш

23. Илмий унвонга тақдим этиш бўйича масала қуидаги ҳолларда Кенгашга киритилади:

доцент ва катта илмий ходим илмий унвонларига – талабгорга илмий даражага бериш тўғрисидаги қарор тасдиқланган ёки талабгорнинг илмий даражага олганлиги тўғрисидаги дипломи ностирификация қилинган кундан эътиборан камида бир йил ўтгач;

профессор илмий унвонига – талабгор доцент ёки катта илмий ходим илмий унвонини олган кундан эътиборан камида бир йил ўтгач.

24. Талабгорнинг ҳужжатлари Кенгашга у фаолият олиб бораётган муассасанинг тегишли тузилмаси томонидан кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

25. Талабгорнинг ҳужжатлари Кенгаш томонидан икки ой ичида мазкур Низом II бобининг 1—5-параграфлари талабларига асосан кўриб чиқилади ва тегишли қарор қабул қилинади. Кўриб чиқиш муддатини ҳисоблашда июль-август ойлари ҳисобга олинмайди.

26. Илмий унвонга тақдим этиш тўғрисидаги Кенгаш қарори яширин овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

Кенгаш мажлиси, унда Кенгаш аъзоларининг камидан учдан икки қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади. Кенгашнинг илмий унвонга тақдим этиш тўғрисидаги қарори мажлисда иштирок этган Кенгаш аъзоларининг камидан учдан икки қисми ёқлаб овоз берган тақдирда, қабул қилинган ҳисобланади.

27. Талабгорнинг аттестация иши Кенгаш томонидан илмий унвонга тақдим этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир ой ичида ОАКга юборилади.

28. Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи» танловида ғолиб чиқкан дарслик муаллифига илмий унвон бериш масаласи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июлдаги 290-сон «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи» танлови ғолибларига илмий даража ва илмий унвон бериш тўғрисидағи қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 й., 13-сон, 87-модда) асосан кўриб чиқилади.

IV боб. Аттестация ишини ОАКда кўриб чиқиш

29. Аттестация иши ОАК томонидан уч ой ичида кўриб чиқилади. Кўриб чиқиш муддатини ҳисоблашда июль-август ойлари ҳисобга олинмайди.

30. Кенгаш томонидан тақдим этилган аттестация иши ОАКда рўйхатга олинади ва уч кун ичида норматив-техник экспертизадан, уч ой ичида илмий экспертизадан ўтказилиб, якуний қарор қабул қилинади. Экспертиза жараёнида ОАКнинг тегишли бўлимлари ва эксперт кенгашлари томонидан аттестация ишининг мазмун-моҳияти ва унинг мазкур Низом талабларига мувофиқлиги текширилади.

31. Норматив-техник экспертизадан ўтказиш жараёнида аттестация ишида мазкур Низом талабларига риоя қилинмаганлик ҳолатлари аниқланса, ОАК Тартиб-қоида комиссияси қарори билан аттестация ишини кўриб чиқиш тўхтатилади ва аттестация иши расмий хат билан тегишли Кенгашга қайтариб юборилади. Кенгаш томонидан тегишли камчиликлар бартараф этилгандан сўнг, аттестация иши қайтадан расмийлаштирилиб, кузатув хати орқали ОАКга қайта тақдим этилади.

32. Аттестация иши норматив-техник экспертизадан ўтказилгандан сўнг, уни тегишли эксперт кенгаши кўриб чиқади ва ОАК Раёсатига ўзининг хулосасини тавсия этади. ОАК Раёсати эксперт кенгашининг хулосасига асосан, илмий унвон бериш ёки илмий унвон беришни рад қилиш тўғрисида якуний қарор қабул қиласди.

33. Талабгор аттестация ишини кўриб чиқиш жараёнининг ҳар қандай босқичида, Кенгашда яширин овоз бериш ўтказилгунга, ОАКда ОАК Раёсатининг якуний қарори қабул қилингунга қадар ишни муҳокамадан олишга ҳақлидир. Аттестация иши талабгорнинг ёзма аризасига асосан, ОАКда муҳокамадан олинганда, бу ҳақда ОАК Раёсати томонидан тегишли қарор қабул қилиниши лозим.

V боб. Илмий унвонга қайта тақдим этиш

34. ОАКда кўриб чиқилган ва рад жавоби берилган ёки кўриш жараёнидан тўхтатилган аттестация ишлари Кенгаш томонидан қуйидаги муддатларда ОАКга қайта тақдим этилиши мумкин:

ОАК Раёсатининг аттестация ишига рад жавобини бериш тўғрисидаги қарори у қабул қилинган кундан эътиборан камида бир йил ўтгач;

ОАК Раёсатининг қарори юзасидан берилган апелляция бўйича рад жавобини бериш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан эътиборан камида уч йил ўтгач;

талабгорнинг аризасига асосан муҳокамадан олиниб, кўришдан тўхтатилган аттестация иши бўйича тегишли камчиликлар бартараф этилгандан сўнг.

35. Кенгаш томонидан илмий унвонга қайта тақдим этилганда мазкур Низом талаблари бажарилган ҳамда талабгор янги ўқув-услубий ва илмий ишлар нашр эттирган бўлиши шарт.

VI боб. Аттестатларни расмийлаштириш ва бериш

36. ОАК Раёсатининг илмий унвон бериш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради ва бир ой ичida Аттестат расмийлаштирилади.

37. Аттестат йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда, манфаатдор шахсларнинг аризасига мувофиқ ОАК томонидан унинг дубликати берилади.

Талабгорнинг фамилияси, исми ва отасининг исми ўзгарган тақдирда, Аттестат янгисига алмаштириб берилмайди.

VII боб. Илмий унвондан маҳрум этиш ёки уни тиклаш

38. Шахс аттестация иши экспертизадан нохолис ўтказилганлиги натижасида шахсга берилган илмий унвондан ОАК Раёсатининг қарори асосида маҳрум этилиши мумкин.

39. Шахсни илмий унвондан маҳрум этиш ёки уни тиклаш бўйича ОАКга ёки тегишли Кенгашга мурожаат қилинади. Бунда манфаатдор шахслар тегишли далиллар (хужжатлар)ни ўз мурожаатига илова қилган ҳолда тақдим этиши шарт.

Бундай масала билан ОАКга мурожаат қилинганда, тақдим этилган далиллар ОАК эксперт кенгаши томонидан муҳокама қилиниб, масалани кўриб чиқиш учун тегишли Кенгашга юборилади.

40. Кенгаш томонидан Кенгаш аъзолари орасидан уч кишилик таркибда комиссия тузилади. Ушбу масала бир ой ичida комиссия томонидан ўрганиб чиқилади ва Кенгашнинг тегишли қарори лойиҳаси тайёрланиб, масала кенгаш мажлисида кўриб чиқилади.

Кенгаш мажлиси унда Кенгаш аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда, ваколатли ҳисобланади. Кенгаш мажлиси илмий унвондан маҳрум этилаётган шахс иштирокида ўтказилади. Шахс бу хақда мажлис ўтказилишидан камида ўн кун олдин огоҳлантирилиши шарт. Агар шахс мажлисга узрсиз сабабларга кўра келмаса ёки мажлисга келишдан бош тортса, Кенгаш томонидан унинг иштирокисиз мажлис ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Мазкур шахс узрли сабабларга кўра мажлисга келаолмаслиги ҳақида олдиндан хабар қилганда, Кенгаш мажлиси бошқа кунга ёки бошқа вақтга қолдирилади. Зарур ҳолларда, бошқа мутахассислар Кенгаш мажлисига таклиф этилиши мумкин.

41. Кенгашнинг илмий унвондан маҳрум этиш ёки уни тиклаш тўғрисидаги қарори яширин овоз беришда иштирок этган Кенгаш аъзоларининг камида учдан икки қисми томонидан ёқлаб овоз берилган тақдирда, қабул қилинган ҳисобланади.

Кенгаш томонидан Кенгаш қарори, Кенгаш мажлиси баённомаси ҳамда тегишли хужжатлар расмийлаштирилиб, ўн кун ичida ОАКга юборилади.

42. Кенгаш томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ОАК эксперт кенгашида муҳокама қилинади ва тегишли тавсия қабул қилинади. Кенгашнинг илмий унвондан маҳрум этиш ёки уни тиклаш тўғрисидаги қарори ҳамда ОАК эксперт кенгашининг тавсияси ОАК Раёсатида кўриб чиқилиб, якуний қарор қабул қилинади.

43. ОАК Раёсатининг илмий унвон бериш тўғрисидаги қарори ўн йил олдин қабул қилинган бўлса, илмий унвондан маҳрум этиш масаласи кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

44. Кенгаш мурожаатномасига асосан илмий унвондан маҳрум этилган шахснинг илмий унвони ушбу Кенгашнинг мурожаатномасига мувофиқ ОАК Раёсати қарори билан тикланиши мумкин.

VIII боб. Апелляцияни кўриб чиқиш

45. Манфаатдор шахслар илмий унвон бериш ёки илмий унвон беришни рад қилиш тўғрисидаги ОАК Раёсати ёки Кенгаш қарори юзасидан у қабул қилинган кундан эътиборан икки ой ичида ОАКга апелляция беришлари мумкин.

46. Апелляция қуидаги ҳолларда қабул қилинмайди:

мазкур Низомнинг **45-бандида** белгиланган муддат ўтганда;

апелляция айнан бир масала бўйича такроран берилганда.

47. ОАК Раёсати қарори юзасидан берилган апелляция, шунингдек Кенгаш қарори юзасидан берилган апелляция ОАК Тартиб-қоида комиссияси томонидан кўриб чиқилади. ОАК Тартиб-қоида комиссияси апелляцияни кўриб чиқиши тегишли эксперт кенгашига топшириши мумкин. Зарур ҳолларда, мазкур масалани кўриб чиқишининг аввалги босқичларида иштирок этмаган мутахассис-олимлардан иборат Апелляция комиссияси тузилади.

48. ОАК Раёсати томонидан Тартиб-қоида комиссияси, тегишли эксперт кенгаши ёки Апелляция комиссияси хulosаси кўриб чиқилади ва апелляция бўйича илмий унвон бериш ёки илмий унвон беришни рад қилиш тўғрисида якуний қарор қабул қилинади.

49. Апелляция бўйича қабул қилинган ОАК Раёсатининг якуний қарори беш иш куни ичида апелляция берган шахсларга, шунингдек Кенгашга тақдим қилинади.

IX боб. Якуний қоида

50. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Фанлар академияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси билан келишилган.

Маданият ва спорт ишлари вазири Т. КУЗИЕВ

2013 йил 14 январь

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазири Б. ХОДИЕВ

2013 йил 28 январь

Соғлиқни сақлаш вазири А. АЛИМОВ

2013 йил 17 январь

Халқ таълими вазири Т. ШИРИНОВ

2013 йил 18 январь

Қишлоқ ва сув хұжалиги вазири З. РҰЗИЕВ

2013 йил 23 январь

Ташқи ишлар вазири А. КОМИЛОВ

2013 йил 22 январь

Фанлар академияси президенти Ш. САЛИХОВ

2013 йил 15 январь

Вазирлар Маңкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш құмитаси ижроия аппарати раҳбари О. ПАРПИЕВ

2013 йил 16 январь